



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 23 август, шанба № 131 (1556)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Барча даражалардаги, биринчи навбатда, ҳўжалик юри-тувчи субъектлар ажратадиган маблағлар ҳисобига таъминланадиган бошқарув органлари ходимларининг амал-даги сонини ўрганиб чиқиш натижасида ходимлар сонининг асосий равишда ўсиши ҳамда ходимлар сони кўп бўлган бошқарув аппарати сақланиб келиниши билан боғ-лик салбий ҳолатлар аниқланди.

Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув тузилмалари раҳбарла-ри ҳар йили бошқарув аппарати кискартирилишига қара-май, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сифатида ҳамон ҳаддан ташқари ортиқча кенгайтириб юборилган бошқарув ходимларига эгадирлар, уларнинг таъминоти-га ҳам бюджетдан ажратиладиган маблағлар, ҳам ҳўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларидан ажратилади-ган маблағлар, кўп ҳолларда хизматларга наҳрлар ва та-рифлар ўсиши ҳисобига сарфланмоқда. Бунга, шунинг-дек, бошқарув тузилмалари ходимларининг чекланган со-нини хизмат кўрсатувчи ходимларни кўрсатмасдан тас-диқлашнинг мавжуд амалиёти ҳам имкон бермоқда.

Масалан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик ком-панияси бошқаруви аппарати ходимларининг чекланган сони 58 нафар этиб белгилангани ҳолда унинг ходимла-рининг амалдаги умумий сони бундан 2,4 баравар кўпдир ва 137 нафарни, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ходим-лар 79 нафарни ташкил этади. «Ўзқиллоқҳўжаликкимё», «Ўзбектуризм» компаниялари, «Умашсаноат» уюшмаси, «Ўзфармсаноат» давлат концернида ҳам аҳоил шун-дай. Уларда ходимларнинг амалдаги умумий сони бошқа-рув ходимларининг белгиланган сонидан 2 баравардан ортиқдир.

Бошқарув органлари ходимлари сонини тартибга со-лиш, маблағ билан таъминлаш манбаларидан қатъи на-зар, улар таъминоти-га сарф-харажатларни кискартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Кўйидаги тартиб белгилансин, унга кўра: ҳам бюджет маблағлари, ҳам ҳўжалик фаолиятдан маб-лағ ажратиш ҳисобига маблағ билан таъминланадиган дав-лат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан худудий орган-лари ходимларининг чекланган умумий сони, маъмурий-бошқарув ходимлари, шу жумладан алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарув органлари аппарати ходимларининг белгиланган чеклан-ган умумий сонига риоя қилиниши, унинг ўзгариши дина-микаси ва манбаларидан қатъи назар бошқарув аппарати таъминоти-га харажатларнинг мониторингини олиб бо-ради.

Вазирликлар, идоралар, давлат кўмиталари, уюшма-лар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув органлари раҳбарларига улар учун белгиланган ходимларнинг умумий сони ва уларнинг таъминоти-га чек-ланган харажатлар доирасида бошқарув, хизмат кўрсат-увчи ва техник ходимлар сони нисбатини мустақил бел-гилаш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижти-моий муҳофаза қилиш вазирлиги барча даражалардаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижти-моий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда давлат ва ҳўжалик бошқаруви республика ва худудий органлари бўйича бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг ҳисоблаб чиқилган нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2004 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети ҳисоби-га таъминланадиган бошқарув органларининг харажатла-ри сметаси ва молиялаштирилиши рўйхатдан ўтказиши бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг тасдиқланган ҳисоблаб чиқилган норматив-ларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарор қондаларидан келиб чиқиб амалга оширсин.

4. Солиқ органлари ходимларининг тасдиқланган чек-ланган умумий сонидан ортиқча ходимлар сақланиши аниқ-ланган тақдирда бюджетдан таъминланадиган ташкилот бўлмаган тегишли бошқарув органларидан қўшимча ра-вишда сақлаб келинган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаши-нинг йиллик фонди миқдоридега жарима ундириш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган ҳоллар давлат бюджети ҳисобига таъ-минланадиган бошқарув органларида аниқланган тақдир-да ушбу ташкилотлар раҳбарлари амалдаги қонун ҳў-жатларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилди.

5. Белгилансинки, давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бошқарув органлари томонидан ходим-ларнинг умумий сонини кискартириш натижасида тежал-ган маблағ олиб қўйилмайди ва ушбу органларнинг хо-димларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўми-таси: статистика ҳисоботи шаклларида мазкур қарор талаб-ларига мувофиқ ажборот тақдим этилишини таъминловчи тегишли ўзгаришлар тақдимсин;

молия органларига бошқарув органлари ходимлари умум-ий сони мониторингини олиб бориш учун тегишли ажбо-ротни тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфа-аддор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амал-даги қонун ҳўжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

Андижон вилоятини Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Вилоят аҳлининг мамлакатимиз тарақиёти ва салоҳия-тини юксалтириш, барча тармоқларда ислохотларни из-чил амалга ошириш йўлида фидойилик ва ташаббускор-лик намуналарини кўрсатган, ижтимоий соҳаларни ри-вожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёш-ларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида-ги катта ишларни эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Рес-публикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати бил-лан Андижон вилояти Амир Темур ордени билан мукофот-лансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август


Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

Хоразм вилоятини Жалолiddин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Хоразм элининг улўғ аждодларимизга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат аъёнларини му-носиб давом эттириб келаётгани, мураккаб табиий шароитларда матонат хусусиятларини намўнэ этиб, ҳаёт-нинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришаётга-ни, буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авай-лаб, дунёга машҳур этишда, ёш авлодимизни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Хоразм вилояти Жалолид-дин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига ҚАЕРДА КЕКСАЛАР БЎЛСА, ШУ ЖОЙДА ФАЙЗ БОР, БАРАКА БОР!



РОҲАТДА, ФАРОҒАТДА

Мустақил Ўзбекистонимизда кекса фуқароларга давлат ва жамият томони-дан алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маъна-вий жиҳатдан қўллаб-қув-ватлашга оид аниқ тадбир-лар изчил амалга оширил-моқда. Зеро, жамиятни тубдан ўзгартиришда, соғ-лом авлодни тарбиялашда, бой касбий ва ҳаётий таж-рибаларни, эзгу аъёна-ларни узвийликда ёшлар-га етказишда кексаларнинг фаол иштироки таъмин-ланмоқда.

Дўстлик туманида яшов-чи бахтли отахон Файзи-мурод бобо ҳам ўзига яра-тиган имтиёزلардан фой-даланиб, роҳат-фароғатда ҳаёт кечирмоқда.

Газетаимизнинг иккинчи саҳифасида бахтимиз, су-янган тоғларимиз бўлиши кекса авлод вакилларининг дил сузлари эътиборингиз-га ҳавола этилади.

«ШУ АЗИЗ ВАТАН - БАРЧАМИЗНИКИ»

Шаҳардаги Аҳмад Фарғо-ний номидаги оромгоҳда мамлакатимиз мустақилли-гининг 12 йиллигига бағиш-лаб ўтказилган шаҳар ва туман-лар фестивали яқунлади.

Қарийб ўн кун давом эт-ган мазкур тадбирда ҳар бир шаҳар ва туман истиқлол йил-ларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалар-да кўлга киритган ютуқлари-ни, энг улўғ, азиз байрами-мизга тайёрланган армуғон-ларини намойиш этди. Ша-ҳар ва туманлардаги корхо-наларда тайёрланган махсу-лотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Фестивалда шаҳарлар ўртасида Фарғона биринчи ўринни эгаллаган бўлса, ту-манлардан Данғарада амал-га оширилган ишлар энг юқори баҳога сазовор бўлди. (ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, вазирлик ҳузуриндаги иқтисодий сиёсат маркази ҳамда Европа ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилининг Тош-кентдаги маркази Сурхондарё вилоятининг Бойсун ту-манда «Ўзбекистоннинг тоғли худудларида тадбир-корликни ривожлантириш асослари» мавзусида трен-нинг машғулоти ўтказди. Унда кирк нафар йигит-қизлар иштирок этти.

ТОҒЛИК ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК

Бу машғулотларда иқтисодий сиёсат маркази директо-ри ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор Чори Маҳмудов ҳамда бир қатор олим-муҳаққислар иштирок этди. Сурхондарё вилояти иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасида Бойсун туман ҳокимлиги вакиллари ишти-роқда ўтказилган тестлар, давра суҳбатлари, бизнес ре-жалари тузиш, тадбиркорликни рўйхатга олиш, молиявий қўллаб-қувватлаш асослари ҳамда имкониятлари бўйича олиб борилган машғулотлар ҳам йигит-қизларда катта қизи-қиш уйғотди.

Тренинг машғулотларининг навбатдагиси тоғли худудда жойлашган Олтинсой туманида ўтказиладиган бўлди. «Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кен-гашининг ислом динининг асл инсонпарварлик мохи-ятини асраш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни ди-ний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш бўйича мувожазати ва бир қатор жамоат таш-килотларининг тақлифларини инобатга олиб, мамла-катимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғлом-лаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳара-катлари олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар-нинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон мусулмонла-ри идораси, мутасадди ва дахлдор жамоат ташкилотла-ри томонидан ишлаб чиқил-ган «Дин соҳасидаги маъна-вий-маърифий ва таълим иш-ларини такомиллаштириш да-стури» маъқуллансин. Тегиш-ли давлат идоралари ва ма-ҳаллий ҳокимиятлар томони-дан Дастурнинг бажарилиши-га етарлилик кўмак ва ёрдам берилсин.

2. Дастурдаги тадбирлар-ни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг таркиби маъқул-лансин.

Дастур ижросини таъмин-лаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус жамғарма тузиш ҳақидаги тақлифи ва жам-ғарма Низоми маъқуллансин.

3. Диний ташкилотлардан коммунал хизмат (газ, сув, электр ҳақи ва бошқа хизмат-лар) учун олингандаги тўлов-ларни ишлаб чиқариш корхо-наси даражаси ўрнига жиом-ний шахслардан олингандаги миқдорда белгиланган ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мувожазати билан 10 кун муддат ичида Вазирлар Маҳ-камасининг Фармойиши қабул қилинсин.

Бунинг натижасида ҳосил бўлган ва бошқа хайрия маб-лағларини мазкур жамғарма ҳисобига ўтказиш, уни Ўзе-бекистон мусулмонлари идора-си тизимидаги масжид-мадрас-аларни таъмирлаш, диний таълим муассасаларининг ўқув ва моддий базасини мустаҳ-камлаш, уларга замонавий шарт-шароит яратиш, ўқиту-чи-муаллим ва имом-хатиб-ларнинг меҳнатини рағбатлан-тириш ишларига сарфланиши

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Мамлакатимиз муста-қиллигининг 12 йиллиги арафасида Паркент туман-идаги Навбахор қишлоғи-да 240 ўринли янги мак-таб фойдаланишга топши-рилди.

Мактаб қурилиши ҳамда уни замонавий ўқув анжомлари билан таъмин-лашга 250 миллион сўмлик маблағ сарфлан-ди. Янги мактабдаги ўн та-фан кабинетга тўла жиҳоз-ланди. Компьютер синфи ташкил этилди.

Навахор қишлоғида 1 минг 800 хонадон мав-жуд, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири М.Жасанов. - Очиги, шу пайтгача болалар кўп қаватли ўйда жойлашган мослаштирилган хоналар-да ўқирди. Улар янги ўқув йилини ширкат ҳўжалиги, фермерлар, ота-оналар кўмаги билан бунёд этил-ган замонавий мактабда бошлайди.

КИЧКИНТОЙЛАР МАКТАБИ

Мустақиллик байрами арафасида маҳалла мак-табга тарбия мактаби ташкил этилди. Унда бол-лар бир йил бепул ўқити-лади. Шаҳарда биринчи бўлиб «Ҳаёт» маҳалла фу-қаролар йиғинида ана шун-дай мактаб очилди. Шу худуддаги 10-ўрта мактаб биргаликда маънавий-маъ-рифий ўзгача хусусиятга э-га бўлиб, «Шилк» боғида саҳна-лар барпо этилган. Бу ерларда анжуман иштирокчиларининг таловидан ташқари концерт-лари уюштирилди. Шунинг-дек, меҳмонлар Уругут, Тойлоқ, Сама-рқанд туманларидан меҳнаткаш-лар ҳузурда бўлиб, концерт да-стурларини намойиш этидилар.

Регистондан бошланган му-сика байрами Ҳамид Олимжон номдаги вилоят музика ва дра-ма театри, Чехов номидаги рус театри, Марказий маданият ва истироҳат максадида давом этади. Фестивал доирасида «Шарқ халқлари музика санъати муш-

ҚУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАДИ

Ўзига жалб этмоқда. Ишончман-ки, бу анжуман нафақат миллий музика санъати, балки халқаро музика ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Ҳар икки йилда ўтказилаёт-ган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали жаҳон бўйлаб тобора кенг қулоч ёйиб бормоқ-да. Илк бор ўтказилган фести-валда ўттизга яқин мамлакат санъаткорлари иштирок этган бўлса, бу галги анжуманда 40дан ортиқ давлатлардан меҳ-монлар ташриф буоришиб кутил-моқда. Турли миллат санъаткор-ларини ягона тилда, музика ва санъат атрофида бирлаштира-диган ушбу анжуманга Америка, Европа китابلаридан ҳам санъатшунослар қатнашаётгани қувончи ҳолдир. Бу эса Шарқ музикасининг бой тарихи ва оммавийлигидан нишондир.

Беш юз нафардан зиёд хоржик-лик санъат шинаванчалари ва томошабинларнинг фестивал-да иштирок этиш истagini бил-диргани фикримизнинг ёрқин исботидир. Қадимий Самарқанд музика анжумани муносабати билан байрамона тус олган. Айниқса, таъналар ўтидиган Регистон майдонини янада салобат ва ёр-қин кўйга касб этган. Бу ерда тараклиги» мавзусида халқаро илмий анжуман ташкил эти-лади. Булардан ташқари, тур-ли кўргазма, ярмаркаларда серкўёш дўрибмишда етишти-рилган соғ-неъматлар, амал-ий санъат намуналари намойи-ш этилади.

Ўзбекистон мустақилли-гининг 12 йиллиги арафасида ўтаётган фестивалнинг сиё-сий, маърифий жиҳатдан аҳамияти беқиёсдир. У турли миллатлар санъатини, санъат-корларни бир-бирига янада яқинлаштирилади, дўстлик, би-родарлик ришталарини муста-ҳкамлайди. Анжуман ишти-рокчилари музика байрами баҳона ҳузуринида амалга оширилётган эзгу ишларни, меҳнаткаш халққа кўрсатила-ётган меҳр-муҳаббатни ўз кўзлари билан кўриб, Ўзбеки-стондаги туб бурилишларга гувоҳ бўладилар. Шу билан биргаликда мамлакатимиз-нинг ўзига хос аъёнлари, урф-одатлари, удувлари бил-лан танишадилар.

Халқ унварамадчилиги кўргазмаларида намойиш эти-ладиган қулоччилик, каштачи-лик, зардузлик, қандкорлик буюмлари ҳам албатта санъат илосмандларига ўзгача завқ-шақ бағишлаши шубҳасиз. Зеро, Шарқ нафақат қуёш ўлкаси, балки дунёни ҳайрат-га солган илм-маърифат, санъ-ат ва нафосат дўрибдир. Қу-ёшнинг ҳам Шарқдан чиқиб бегиз эмас.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири

ҚАЕРДА КЕКСАЛАР БЎЛСА, ШУ ЖОЙДА ФАЙЗ БОР, БАРАКА БОР!



НИЯТ ПОК, МУРОД ҲОСИЛ

- Нуронийлар фахримиз, суюнган тоғларимиздир! Ҳаёт тажрибала-ри ёшларга сабоқ бўлса, дуоларидан элга рўшнолик ёғилади, - дейди Бухоро вилоят таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси Баҳрулло Умаров - Вилоятимизда ўзининг эзгу ишлари билан элга танилган устоз мураббийлар кўплаб топилди. Ҳаётини халқ таълими ва маориф ишига бағишлаган Абдулло ота Музаффаров ана шундай табарруқ инсонлардан бири.

80 ёш остонасида турган бу отахонни Бухорои шарифда кўплар танийди. Меҳр-саховати, етим-парварлиги, эл-юрт учун фидокорона меҳнатини ибрат қилиб кўрсатишади. Мен эса ҳамisha Абдулло отани эслаганимда Президентимизнинг куйидаги сўзларини хотирлайман: «Бухоронинг ўзига хос кийфаси, ўзига хос шеваси бор. Шу заминга қадам қўйганда одам ўзини бошқача сезади. Негаки, бу заминда яшайдиган инсонларнинг чеҳраси очик, юзида доимо табассум бор. Бухоро қариялари ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Уларнинг озодаллиги, мўмин-муслмонлиги, нуронийлиги барчамизга ибрат бўлади. Агар маҳаллий нуронийларнинг умумлашган сиймосини изласангиз Бухорои Шарифдан топасиз».

Отанинг нуроний чеҳрасида шу замин фарзандларига хос салобат ва меҳр, кўзларида самимият ва қатъият бор. Унинг «Ибратли умр» китобини хар гал кўлга олганимда, бошқалар қатори суронли йиллар шиддатидан омон чиққан эътиқоди, элпарварлигига қойил қоламан. Уч ёшида отасидан етим қолганига қарамай, ҳамisha эл ишига елка тутди, ҳаёт қозонида қайнади. Меҳнат фаолиятини «Ойдин» артелида оддий ишчиликдан бошлаган А.Музаффаров масъул лавозимларда ишлади. Айниқса, унинг вилоят халқ маорифи бўлимига раҳбарлик қилган йиллар ҳаётида нурли из қолдирди. У айниқса, кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Янги-янги мактаблар, боғчалар қурилишига бош бўлди. Вилоят маляка ошириш институтининг материал-техника базаси мустаҳкамланди. 1988 йилда муаллимлар олийгоҳи учун 5 гектарлик майдонда 1076 ўринли ҳашаматли ўқув биноси ва 200 ўринли ётоқхона қурилиб, санаторий-профилакторий ташкил этилди. Бу орада у тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди. У.Қамолов, В.Саақовлар билан ҳамкорликда Бухоро ҳақида тарихий китоб ёзди. 1988 йилда Республика бола-лар жамғармасининг вилоят бўлими бошқаруви раиси этиб сайланди. Етим-есирлар, ўзгалар кўмағига муҳтож ногиронлар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг бошини силаб, савоб ишларни амалга оширди.

Унинг ташаббуси билан етим, кам таъминланган болаларнинг суннат тўйлари ўтказилди. Тўйга вилоятдаги саховатпеша инсонлар таклиф этилиб, тўй болалар номига омонат дафтаралари очилди.



Донолар «Бир шикаста кўнгилни овламоқ, Каъба-ни юз марта зиёрат қилмоқдан савоброқдир» деганлар. Абдулло ота ҳам ҳар кун кўплаб кўнгилларга умид чирғини ёқди. Мустақиллик байрами арафасида унинг юмушлари янада кўпайган. А.Музаффаров бисотида асраб-авайлашга арзийди-ган кўплаб хотиралар бор. Улар орасида Президентимиз йўллаган мактубни алоҳида эҳтиром ва эъоз билан сақлайди. Мактубдаги: «Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз бахт-саодати, республикада ҳуқуқий давлат барпо этиш, демократик жараёнларни раванқ топтириш ва уни мустаҳ-

камлаш йўлидаги олижаноб ишларингизда Сизга ва сизнинг сафдошларингизга зафарлар тилаб қоламан», деган сўзлар нуронийга катта куч-қудрат бахш этади. Абдулло ота ҳали тетик, куч ва тажрибасини болалар жамғармаси вилоят бўлимидаги савобли юмушлари билан бирга жамоат ишларига сарфлаб келмоқда. У кишини хали Хожа Абдуқолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйи муносабати билан таъмирланаётган обидалар ёнида, гоҳ нуронийлар даврасида, гоҳ янги очилган лицей, коллежларда, меҳрибонлик уйлари, болалар тиббиёт муассасаларида кўпроқ эса етим-есирлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар фарзандларини орасида учратасиз.

Амина ҚОДИРОВА

Одам қаригани сари ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини, умрнинг ганиматлигини, Озодликнинг бебаҳо неъмат эканлигини янада чуқурроқ ҳис қиларкан. Бахтим бор экан, шу дориламон кунларни кўрдим, Истиқлол наҳидасидан қайта яшардим, қадрим ошди. Улуғларимиз ҳам йўқлаб келишади, баъзида «маслаҳатингиз керак» деб юзланишганда кўнглим тоғдек қўтарилди. Мухбир болам савол берганида беихтиёр қора ўтмишимни эсладим. Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Омонбой деган кадрдоним бўлар-

103 ЁШДАМАН

аммо 12 йилдирки, инсондек

ҳаёт кечираяпман

ди. Ташландиқ жойда қаттиқ меҳнат қилиб, ажойиб боғ яратди. Шундай узумлар бор эдики, яхши қорхонада, цехда қайта ишлаб ҳажонни лол қолдирадиган винолар тайёрлаш мумкин эди. Собиқ шўро давридаги нотўғри сиёсат туяйли бир ҳафта ичида винобон узумлар йўқ қилинди.

Дўстимнинг «нималар бўлапти?» дея қаловлангани, ўз ўйимизда шунчалар хор бўлсаг-а, дея бўзлагани ҳамон қалбимни ўртайди. Кўплар армон билан кетишди. Улар кўрмаган яхши кунлар мен каби фахрийларга насиб этди. 177 нафар невар ва чеварам бор. Фер-

мер хўжалиги ташкил этиб, эл-юрт дастурхонини тўқин-сочин қилишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшяпмиз. Фарзандларимнинг бари тадбиркор, ташкилотчи. Ўзбекистон Президентининг тадбиркорликка кенг йўл бериш, фермерлик ҳаракатини авж олдиришга қаратилган фармонлари асрий орузларимизга етиштирди. Ўзимча ўйлайман, эзгуликни ҳеч ким йўқ қилолмас экан. У яхши одамлар тимсолида яшаб, оламни поклик нурларига тўлдиривераркан.

Жумабой ота ҲАҚБЕРДИЕВ, Шаҳрихон шаҳри

ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК УЧУН

ҳар биримиз ҳисса қўшайлик


Андижон вилоятида 420 нафарга яқин 100 ёшли ва ундан ошган табарруқ инсонлар умргузаронлик қилишади. Уларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилиб, мустаҳкам ижтимоий ҳимоя олинган. Шулардан бири Бобомирзо ота Қўлдошевдир. Уни том маънода кишлоқнинг энг бадавлат одами дейишади. Боиси неварачевара ва эвараларининг сони 120 дан ош-

ган. Нуроний дил сўзларини шундай ифодалайди: - Инсон учун ҳаётда оила фаровонлигию юрт ободлигидан бебаҳо нарса йўқ. Баъзан зангори экран орқали жаҳоннинг турли шаҳар ва кишлоқларида юз бераётган қонли воқеалар, беҳаловат кунларни кўриб беихтиёр Ўзбекистонимиздаги тинчликка, хотиржамликка кўз тегмасин дейман. Бироқ, бунинг учун хоҳишнинг ўзи камлик қилади, албатта. Ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар мустақилликини мустаҳкамлашга, бунёдкорлик ишларига амалда ҳисса қўшиши керак.

Умрим деҳқончиликда ўтди. Ер билан тиллашиб, мардлар билан беллашиб, заминни улуғладим, юқори ҳосил етиштирдим. Ҳозирги кунда гуллар масканига айланган Андижонимда хусусан, Избоскан туманида ободончилик ишларини амалга ошириш, теракзорлар барпо этиш, ёшларни Ватанга садоқатли кишилар этиб тарбиялашга қўлимдан келганича ҳисса қўшяпман. Уғил-қизларга кўпинча бир гапни такрорлайман: биз ўтмишда бирон кун хотиржам яшамадик. Ҳеч қачон рўзгор бут бўлмади. Одамлар пахта етиштириб, чигта зор эди, дон экиб, қорни тўймасди. Бугун эса бизнинг фарзандларимиз мулкдор, қўша-қўша иморатлар қурапти, аксарият оилаларда машина. Шу боис барчасига шукр қиламан.

110 ёшли Бобомирзо бобо Қўлдошев, Избоскан тумани

ИСЛОМ ҚАРИМОВ:
Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, шу юртнинг оғир-енгилни умр бўйи елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш дунёдаги энг улуг савобдир.



И. ҲАСАНОВ олган суратлар

Кўча оқсоқоллари тизими вилоятда биринчи бўлиб туманимизда ташкил этилди ва ҳаётда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Туманда кўча оқсоқоллари 142 нафарни ташкил этиб, улар фаолияти ниҳоятда кенг қамровли. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари, ёрдамга муҳтожларни аниқлаб, уларга ижтимоий кўмак беришда оқсоқолларнинг ўрни айниқса катта бўлаётган. Коммунал тўловларни йиғишда, газ ўлчамчилар ўрнатилган ҳам улар ташаббускор. Шу ўринда Набиҳон Иброҳимов, Очил Қобиллов, Жўраббой Уроқбоев, Аброр Хўжанов, Раимқул Эрбековларнинг номини фахр билан тилга олмоқчиман. Негаки, улар энг фаол, фидойий оқсоқоллар ҳисобланади.

Тумандаги барча кўча оқсоқолларининг хонадони табиий газ, электр энергияси тўловидан юз фоиз озод қилинган. Шунинг учун ҳам уларнинг бевоқофлиги савобига савоб қилинган. Аҳолининг ушбу тўловлардан қарздорлиги кузатилмади.

Ҳудудда 56 минг аҳоли истиқомат қилади. 7 та маҳалла, 7 та кишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб,

аҳолининг яхши яшашлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Айниқса шу йилнинг бошидан бери туманда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир

2003 йил – Обод маҳалла йили

маҳаллада спорт майдончалари барпо этишга киришилди. Марказдаги энг

КўЧА ОҚСОҚОЛЛАРИ



маҳаллада спорт майдончалари барпо этишга киришилди. Марказдаги энг маҳалла «Тошкент» маҳалласи ҳудудда болалар спорт мажмуи қурилмоқда. Бу маскан қуриб, ишга туширилган, 7 та маҳалланинг 23 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Ушбу мажмуада 2 минг кишилик усти ёлғиз спорт саройи, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, теннис корти, мини футбол, қўл тўпи майдончалари бунёд этилмоқда. Болалар спорт мажмуаси истиқлолимизнинг 12 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилмиш мўлжалланган.

Жамғармамиз ўз ёрдамчи хўжалигига эга. «Баҳмал» агрохизмат маркази ҳудуддан 10 гектар ер олиб, пахта ва галла экинлари экиб, қўшимча даромад ишлаб топаяпти. Ҳар йили 2 миллион сўм атрофида соф фойда олиниб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, маҳалла гузарлари қурилишига сарфланди.

Эсанбой МАХСАТОВ, Пахтакор тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси кенгаши раиси

БАХТЛИМАН, ДЕСАМ ЯРАШАДИ!

Инсон ҳаётида қувончли онлар кўп бўлади. Бироқ, давлатимиз раҳбари бизнинг хўжалигимизда, даламизда бўлган кун энг қувончли, энг ҳаяжонли ва унутилмас онлар бўлиб қолади. Меҳнат кишини ардоқлайди, деб бежиз айтишмайди. Умрбўйи кадрдонларим билан сидқидилдан тер тўқдик. Иложи борича кўпроқ сифатли пахта етиштириш пайида бўлди. Айниқса, мустақиллик йилларида бир гайратга ўн гайрат қўшиб ишладик.

Ҳосилдорлик йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили пахтачиликнинг ўзидан 12 миллион сўм даромад қилган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткич янада ошади. Ҳосил чўғи мўл. Ҳосилдорлик 40 центнердан кам бўлмайди. Мени қувонтирадиган нарса яна шунки, 14 нафар фарзандим ҳам заминга кўнгил қўйган. Бўш вақтларида бизга ёрдамга келишади.

Қарши туманидаги «Ипак йўли» хўжалиги ижарачиси Ҳасан Раҳматов билан эски кадрдонимиз. Йил оғир келган пайтлари бир-биримиздан ўрганиб, ҳам ўргатиб, фўзаларни яшнатимиз. Ҳасанхон бу йил мураккаб шароитда фаолият юритаётган бўлса-да, 35 центнерлик маррани кўзлапти. Ҳаёт ана шундай фидойи, садоқатли инсонлар билан гўзал.

Яхш ота ЭРҒАШЕВ, Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» хўжалиги пудратчиси



Ш. СУЛТОНОВ олган сурат

ЎТМИШ НИМАЛИГИНИ БИЗЛАРДАН СЎРАНГ

Не замонларни кўрмадик. Инсон сифатида на қадримиз, на ўрнимиз бор эди. Оқлошув замонида халқни роса талашди. Шўро эса бизни эрта тондан то кун боттунга қадар қулдек ишлатди. Шунда ҳам биримиз икки бўлмадик. Бечора ота-оналаримиз йил 12 ой даладан келишмасдик. Ота-боболарим илмли кишилар бўлганлиги учун отам Мулла Ҳожиматни соғуқ ерларга сургун қилишди. Кўплашиб саломатликни йўқотиб, қонда ишлашган.

Насиб экан, она кишлоғимга қайтдим. Аммо қулқонинг болалари, деб кўз очиринмасдик. Инсон боласи ҳаммасига чидар экан. 90ни қоралаган бўлсам-да, 12 йил инсондек яшаб келаяпман. Фарзандларим, неварачевараларим қўшқанот, давлатимиз ханиша соябон. Атрофда бир қаранг, замонавий иморатлар, кенг раvon йўллар, хиёбонлар кўзни қувнатди. Пенсиянерлар, фахрийлар ижтимоий таъ-

минот бўлимлари орқали энг яхши сиҳатгоҳу дам олиш уйларига йўлланмалар олиб, саломатликларини тиклашмоқда.

Ўтмишни унуттишга ҳақимиз йўқ. Бизни Озодликка қайштирган, қадриятларимизни қайтариб берган, бобокалонларимиз руҳини шод этган, жаҳон ура ўзбек, Ўзбекистон номини кенг ёётган улуг зотга садоқатим ва эътиромим бўлсин!

90 ёшли Абдуғаффор ота АҚБАРОВ, Фарғона вилояти БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛДИ

Деҳқон одам ишсиз туролмайди. Узоқ йил хўжаликда деҳқончилик қилиб мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш ҳадисини олганман. Устозим, умрбўйи суви бўлиб ишлаган инсон давлатиб иш бошлаганимда: - Болам, сени бахт эшигига эгтар олиб борди, деганди. Оққўнгини, хизрсифат соҳибкор янглишганини кейинчалик пайқайди. Шўронинг сохта мақтовларига учиб, умри зое ўтказибмиз.

Истиқлол туфайли бирим икки бўлди, замонавий уйларида яшаш насиб этди. Томорқадан чиқаятган неъматнинг ўзи бутун оиламни боқайди. Пенсияда бўлсам-да садоқатимнинг бир қўрғиниши сифатида ташландиқ жойда ажойиб боғ ташкил этишган, жаҳон ура ўзбек, Ўзбекистон номини кенг ёётган улуг зотга садоқатим ва эътиромим бўлсин!

80 йиллик Бегмат ота НОРОВ, Тошкент вилоятидаги «Хўжакент» ширкат хўжалиги

Илоҳим ЎЗБЕКИСТОН ТУФАЙЛИ

Дил поклиги аввало тоза иймон туфайли,
Мартабаи улуглик ҳазрат инсон туфайли.

Рутбаи олқиш бўлмай ички дунё қуввати,
Рухлантиргувчи ёлқин даъвати жон туфайли.

Чархи дун тавшишлари адо қилгай, оқибат -
Ким соғурди умрини заиф нодон туфайли.

Дунёнинг ободлиги, тинчлиги ва роҳати
Ризқу рўз умидида юрган дехқон туфайли.

Саховатга қўл очиб, миннат мулкин итқитинг -
Муруватга нурли йўл бегард виждон туфайли.

Башариат наслида барчамиз бир элдурмиз,
Номимиз бир - ўзбекмиз Ўзбекистон туфайли.

ДУНЁ ЁРУҒЛИГИ ЧИНАКАМ ХАЙРАТ...

Дунё ёруғлиги чинакам хайрат,
Борлигинг - мўъжиза, тилсимот гоят.
Моҳият ҳақида қилсам ривоят,
Ватан вужудига айлансин кўнги.

Бизким, башар насли ҳазрати НУҲМИЗ,
Ёфас аждодидан бир тиниқ РУҲМИЗ.
Ҳамон кимларгадир КУВОНЧ, АНДУҲМИЗ,
Ватан вужудига айлансин кўнги.


Шевалар бирлашиб, туркий ТИЛ бўлди,
Элатлар қўшилиб, бутун ЭЛ бўлди.
Ўзликка эврилган ўлмас ДИЛ бўлди,
Ватан вужудига айлансин кўнги.

Нигоҳ қил, одамзод бешиги - БУ ЮРТ,
Муқаддас диёрдир саждагоҳ БУ ЮРТ.
Барчамизга азиз паноҳдир БУ ЮРТ,
Ватан вужудига айлансин кўнги.

Муродилла ҒАҒУРОВ



ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИҒАСИ



Биласизми?

ДАНАКЧАСИ ҲАМ ШИФОБАХШ


Ширин-шакар ноз-неъматлар инсон учун фойдали эканлиги яхши маълум. Хусусан, узум глюкозаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Лекин унинг данакчалари ҳам шифобахш хусусиятларга эгаллигини эса, ҳамма ҳам билмас керак.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Биоорганик кимё институти ходимлари лаборатория шароитида олиб борилган изланишлар узум данакчалари ўзида полифенологик моддалар сақланишини кўрсатди. Ана шу фойдали моддани ажратиб олишнинг муқобил усули яратилди.

Бу янгилликни амалиётда қўллаш тадбирлари кўрилмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кардиология илмий текшириш институти бу жараён билан шуғулланмоқда. Илмий муассасанинг фармокотерапия патофизиология лабораторияси ушбу фойдали бирикмадан доривор воситалар тайёрлашни режалаштирди.

Ақбар АЛИЕВ



Санъат

«Дилхирож» филмлари то хануз, суюб томоша қилинмоқда.

Бойсунда катта тажрибага эга санъаткорлар муҳитининг пайдо бўлиши ва шаклланишида Ҳамза номидаги болалар музыка мактабининг ҳам бевосита ўрни бор. 1966 йилда ташкил этилган музыка мактабининг илк ташкилотчиси, халқ маорифи аълочиси Зикир Умаровнинг хизмати ни барча мамнуният билан тилга олади. Мазкур даргоҳдан ўсиб чиқиб, элга танилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қозиева, Умид Туропов, Ҳабиб Умаров, Салом Хусанов, Собир Бадриддиновлар номи ни санъат муҳлислари яхши билишади.

«Бойсун» фольклор-этнографик ансамблининг ҳар йилги «Бойсун баҳори» фестивалидаги иштироки, қўшиқ байрамига ўзгача чирой бахш этмоқда. Айни пайтда, ансамбл мустақиллигининг 12 йиллик байрами тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Алишер РАҲМОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Турфа олам

ЕВРОПА ОЙГА ҚЎЛ УЗАТМОҚДА

Европа фазо агентлиги ҳам Ойни забт этишга киришмоқда. Шу йилнинг 4 сентябрида Франциянинг денгизбори департаменти ҳисобланган Гвианадаги Куру оролидан Smart-1 фазо кемаси Ойга парвоз қилади.

Учувчисиз бошқариладиган мазкур қурилма парвози аслада шу йилнинг март ойида амалга оширилиши керак эди. Утган йилнинг декабрида қурилмани фазога олиб чиқиши керак бўлган «Ариан-5» эл-твчи ракетасининг ҳалокати бу режани бирмунча кечиктирди.

Smart-1 фазо кемасининг асосий вазифаси Ойнинг асосий қатламни ўрганиб чиқишдан иборат. Бундан қўзғалган мақсад эса йўлдошнинг қай тарзда шаклланиганини аниқлашдир.

Орбитада Smart-1 эл-твчи ракетадан ажралиб чиқадиган ва кўёб энергияси ҳисобига парвозининг давом эттирилади. Қурилма белги-ланган манзилга ўн беш ойдан сўнг етиб бориши тахмин қилинмоқда.

Smart-1 қурилмасига ион зарядлари билан ишловчи ракета двигатели ўрнатилган. Зарур бўлганда у замидаги кўёб батареяларидан оладиган энергия ёрдамида тезлигини ошириши мумкин.

Қурилма ренгтен нурлари ёрдамида Ойнинг харитасини тузиб чиқиши керак. Барча тадқиқотлар ҲАВ атрофидаги парвоз жараёнида амалга оширилади. Қурилмани Ойга қўндирилиши кўзда тутилмаган.

Европа фазо агентлигининг ушбу тажрибаси муваффақиятли янқунласа, жаҳон оммаси Ойнинг дунёга келиши тарихидан бошқар бўлиши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Smart-1 фазо кемасидаги технология амалиётда фақат бир марта, АКШ фазонинг тадқиқ этиш ва аэронавтика миллий маркази (НАСА) томонидан қўлланилган эди.

(ЎЗА)

«Ишонч» муҳбири

АНСАМБЛ ҚОШИДА ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ГУРУХ

довонларни босиб ўтиб, дунёга танилган ушбу гуруҳ қошида «Бойсун» фольклор-этнографик ансамбли ҳам тузилди. Шундан сўнг, мазкур ансамбл аъзолари ўз устида тинимсиз изланиб, муваффақиятларни қўлга кирита бошладилар. 1975 йилда Польшада бўлиб ўтган тоғли ўлкаларнинг 8-халқаро фестивалида иштирок этиб, иккинчи даражали «Кулшў болта» мукофотининг совриндори бўлди.

«Бойсун» ансамбли ўз концерт дастурлари орқали ўзбек халқ оғзаки ижодининг кенг тарғиботига айланиб келмоқда. Унинг репертуарида фольклор ва этнография

намуналари мукамал уйғунлашган.

Ансамблининг Холиқ Хурсанов, Сайёра Қозиева, Жума Сайфиев, Абдунаим Орипов, Даврон Абдурахимов каби истеъдод соҳиблари ўз овозлари билан халқ олқишига сазовор бўлишмоқда.

— Халқимизнинг қадимдан сақланиб келаётган маданий меросини тўплаш ва қайта тик-

лаш мақсадида ансамбл қошида илмий-ижодий гуруҳ ташкил қилинмади, - дейди туман маданият ишлари бўлими мудир Темир Шукуров. — Бу орқали биз ўз ижодий салоҳиятимиз янада ошишини таъминлаш ниятлашдик.

Халқ ижодий дастаси Россия, Англия, Франция, Туркия каби давлатлардаги халқаро фестивалларда муваффақиятли қатнашиб, нуфузли ўринларни ҳам эгаллаган. Бундан ташқари, гуруҳ иштирокида бир қанча кинофилм ва концертлар суратга олинган. Хусусан, ҳамкорликда ишланган «Бойсунда қор эриганда», «Унутилган қўшиқлар», «Тандир, арча,

Фарзандлари баркамол юрт қудратлидир СПОРТЧИ ОИЛА

«Оилавий спорт», «Оилавий даста», «Оилавий китобхон» - қисқаси бугунги кунда бундай тадбирларга кенг ўрин бериляпти. Мирзаободда ҳам туриш-турмуши, ҳаётдаги ибрати билан эл оғзига тушганлар кўп. «Оқ олтин» маҳалласидаги Нуриддин Сувоновлар хонадони ҳам шуларнинг бири.

Оила бошлиғи Нуриддин эшлигини спортга ошине эди. Ундаги бу хислат рафикаси Гулсанамга ҳам ўтди. Хуллас, эр-отин спорт билан мунтазам шуғуллана бошлашди. Бирин-кетин фарзандлар туғилди. Улар ҳам тетапов бўлиб, ота-онасига эргашишди. Футбол, кураш ва бошқа спорт турлари машғуллотлари учун кундалик юмушга айланди.

— Биз қандайдир беллашувлар учун эмас, оиламиз аъзолари сиҳат-саломатликларни учун спортни танлаганимиз, - дейди Нуриддин. — Бу йил мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб «Соғлом оила» спорт мусобақаси ташкил этилди. Узаро келишиб, бу баҳсда иштирок этишга қарор қилдик. Сувоновлар чакқонлиги, эчкилиги боис туман, вилоят босқичлари фойлига айлиб, мизрачўлиқ хонадонлар шарафини химоя қилиш мақсадида пойтахтга йўл олдилар. Мурсоаси баҳсларда бўш келишмади. Қизгин баҳслар натижасига қўра совриндорлар сафидан жой эгаллашди.

— Туманимизда «Оила спорт»ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дея изоҳ беради «Маҳалла» хайрия жамғармаси худудий бўлим раиси Тоҳиддин Шамсиддинов. — Маҳалла кўмиталари бундай хонадонларни қўллаб-қувватлаш билан биргаликда, худуддаги спорт майдонларини қўпайтириш, қатнашчилар сонини оширишга интилишяпти.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

Ним табассум

— Ниҳоят қўлга тушдинг-ку! Қани, даров дарахтдан туш-чи.

Бола боғбоннинг амрини бажо келтирди.

— Энди меннинг олдимга дадангни чақириб кел.

Бола юқорига қараб қичқирди:

— Дада, тушаркансиз. Сиз билан боғбон амаки гаплашмоқчи.

— Биласанми, бугун мен 16 қаватли бинонинг зинасидан йиқилиб тушдим.

— Омаднинг бор экан, тирик қолганингни қара-я!

— Бўлмасам-чи, мен зинанинг биринчи поғонасида турган эдим-да...

Она дангаса ўғлини уришяпти.

— Ўғлим, сен ишламасанг ҳам иккита одамнинг овқатини ейсан.

— Шўқр қилинг, ойи, - жавоб берди ўғли, - агар мен ишлаганимда, тўртта одамнинг овқатини ердим.

— Ҳой бола, деразани сен синдирдингми? Тўғрисини айтиб, айбонинг буйингга олсанг, жазонинг ярмини олсан.

Бола савол берди:

— Агар айбимга икки марта иқроқ бўлсам-чи?

Ота метеоролог экан. Ўғли сўради:

— Дада, об-ҳавони айтиб беришларингиз ҳамма вақт тўғри чиқадими?

— Ҳа, ҳамма вақт тўғри чиқади. Фақат кунлари ҳаммиша ҳам тўғри келавермайди.

Кечқурун ишдан қайтган Азизни Моҳира кўнрада ёш билан қўли олди. Унинг гапини эшитди-ю, юраги шув этиб кетди.

— Булмагур гапни қўйсанг-чи, ундай эмасдир. Олдин врач чақиртирайлик, кейин...

— Иштароси ҳам йўқ, Қўсаепти...

— Эр-хотин бир-бирларига сўзсиз тикилиб қолишди.

— Хафа бўлма, Моҳира, - деди ниҳоят Азиз. - Мен нариги қўнда турадиган дўхтир-ни айтиб келаман. У нима деркин. Элбуртдан ваҳима қилишининг нима кераги бор, ахир...

Хайёт оқиз экан. Азиз эсини танибдики, касалхона қотнасига йўлаган эмас. Ўғли туфайли шу ерга келиб ўтирибди. Наинки ўтириш, хозир биров келиб, ўлинг тузалиб кетади деса, жонини ҳам беришга тайёр.

Ҳам соатлар чамаси вақт ўтмай, эшикдан оқ халати баданга ёпишиб турган, тўлагина, оқ-сарикдан келган киши чиқиб келди-да, Азизнинг раўбаромади айланишига фамилляси оғир.

— Ҳа, - бош силкиди Азиз шошиб.

Доктор Азизнинг тирсагидан тутганча четга олиб ўтди.

— Ўзингизни ахволи анчагина оғир, - деди ва кейин қўлиб қўйди. - Лекин биз ҳам қараб турмайми.

Биласизми, хозир касал қўп. Бунинг учун 5-6 хил дори керак. Шуларни толиб келсангиз, бўёғи бизнинг ишимиз. Ўзингиз тушунмадиган йилгитга ўшайсиз.

Унинг кўзлари фалати йилтираб кетди. Азиз азбаройи сунганидан пойма-пой гапирга бошлади.

— Раҳмат, ака! Агар ўғлим тузалиб кетса, қўлимдан келган яхшилик-сизники...

Доктор чўнтагидан қорғоз олиб дориларнинг рўйхатини ёзиб берди-да, бир нима ёдига тушгандек:

— Қўн худаям исоб кетди-да, шу укажон, бир-иккита минерал сув олиб келиб беролмайсизми, - дед ўнни қовлай бошлади.

— Хозир-да, ака, - деди ўзини бироз босиб олган Азиз, - машинадаман.

Азиз минерал сув ёнган яна у-бу егуликларни қўшиб, бир пакет қўлиб келди. Кейин негадир мамнун илжайиб, қўчага чиқди. Йўл-йўлаган чўнтагини пайлаб қўйди. Пули бор. Энди дори қидириш керак. Вақт ҳам унга яқинлашибди. Дастлаб Ҳадрадаги дорихонага кирди. Дорилар рўйхатини кўрсатган, сотувчи қиз бироз ўйланиб турди-да, кейин уэр сўрагандек бўлиб:

— Бундай дориларни анчадан буён олганимиз йўқ, - деб қўйди.

Азиз бир неча дорихонага кириб рўйхатдаги дориларнинг икитасини сўрага толди. У машинани Чилнозор томонга ҳайдади.

Қўчада одам кўп. Фарҳод бозорига яқинлашганда кимдир қўл қўтарди. Қўраса, мактабдош дўсти Тойир. Машинани четга олиб тўхта-

ди. Шу тобда Азиз уни уратганидан севиниб кетди. У ёлтига нисбатан анча тўлишган, кунининг исосигидан қўлидаги газета билан тимчай елинарди. Салом-алиқдан сўнг Азиз дўстига ёрилди.

— Биласанми, ўғлим касалхонада ётибди. Шунга дори қидириб қорудим.

— Ҳа, чакки бўпти-да, - бош қалқата Тойир.

— Утган йили меннинг қўзим ҳам касалхонага тушганди. Бунча дориларни хозир танишсиз тўлиш қийин. - Кейин ўйланиб, қўлиб қўйди: - Лекин Лутфулла топши мумкин.

Бу номни эшитиши билан Азизнинг ранги

ТЎҚНАШУВ

ҲИКОЯ

қочди. Унинг олдига дори сўраб боришини йўладан, баданни муваққат тосди.

— Боравер, толиб беради. Киши ўз фарзанди учун нималарни қилмайди, ахир. Утган йили менга ҳам бир-иккита ноёб дорилардан берганди, - деди Тойир сўз, уни ичиданги сезгандек.

Азиз мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ хўпта семиз, ўлғудек қув Лутфулла билан ҳеч қичиша олмади. Хатто бир йили пахта теримиде Лутфулла қизларнинг пахтасини ўғирлаб қўйганини билиб қўлиб, унинг роса таъзирини берганди.

Ўрта мактабни тугатган, ҳаммалари хар қайқара тарқалиб кетишди. Лекин турли тадбирларда учрашиб туришди. Қўпчилик ўртасида Лутфулла тилини бермасда-да, лекин Азиздан ҳайқидди. Хайл билан айтилган манзилга қандай етиб келганини ҳам сезмади. Ичкарига кирди, димогога дори ҳиди урилди. Бурчакдаги қасосда ёши ўтиб қолган аёл микозлар ҳам бўлганидан кафтин даҳанига тираганича қўлиб ўқирди. Азиз рўбаромади дарчага яқинлашиб, қўш-қоприқлари бўлган озгинагина сотувчи қиздан Лутфуллани сўради.

— Кимлари бўласиз? - кўзларини пирпиратиб сўради у.

— Танишиман, - қисқалгина қилиб жавоб берди Азиз. Пештахта ортида турган қиз бироз ўйланиб турди-да, ундан исмини сўраб олиб,

дорилар териб қўйилган жавон ортидаги эшикка кириб кетди ва бир оздан сўнг яна қўрнанди.

— Киварер экансиз.

Хона каттагина бўлиб, тўрдаги столда оқ халат кийган Лутфулла ўтирарди. У яна ҳам тўлишган, бақбақ солган, ҳаётдан мамнуниги шундоққина сезилиб турарди.

Шу пайт телефон жингиллаб қолди. Лутфулла телефонга энгашиганича Азизга «ўй» деган ишорани қилди. У телефонда ким биландир атайин эмаланиб узоқ гаплашди. Столининг бир четига омонатгина ўтирган Азиз ўзини ўнғай-сиз сеза бошлади. Ниҳоят, Лутфулла гўшакни қўйди.

— Оббо дўстимей, бир йўқлай деспан-да.

Унинг муомаласини кўриб Азиз пича енгил тортиди.

— Тойирни кўрадингиз. Шу ерда ишланганини айтиб қолди, - деди секингина Азиз.

— Ҳа, у келиб туради, - деди Лутфулла энди овозига расийи тус бериб. Кейин Азизга «хўш, хизмат» дегандек савол назари билан тикилди.

— Дори керак бўлиб қолгани, - дея чайналди Азиз.

Лутфулла ўрнидан турди ва столга сунганча оёқларини чалқаштириб Азизга тикилди.

— Дори керак, дегин-а?

Азизнинг юраги «шув» этиб кетди. Лутфулла илжайганча Азизга мансиманга тикилиб турарди.

— Қанақа дори экан, - Лутфулланинг овозида энди мултоқ ҳужимчи ҳўмонро эди.

Азиз чўнтагидан дорилар рўйхати ёзилган қорғозни олиб узатди. Лутфулла унга қўз юртлар экан, бош қайча қўйди. Азиз келганидан пушаймон эди.

— Тўхта-чи, сўриштириб қўрай. Балки бордир. Тез-тез ялчиб, хатто йғи-сиги қилиб келишди. Бермайман дейман-у, яен қўнғилм бўлмайди.

Лутфулла телефонда ким биландир гаплашди. Бир зумда боғи қиз кирди-да, Лутфулла узатган қорғозни олиб кетди. Азиз ўзини ёш боладек ҳис қилганидан ич-ичидан ачичи келди. Лутфулла эса креслода ялпайганча айёрон жимлайиб ўтирарди.

Бироздан сўнг сотувчи қиз кириб, стол устига каттагина қилиб ўралган пакетни қўйди.

Лутфулла худди шу далларни узоқ кутгандек оғир тин олди-да, ўрнидан турди.

— Ялчиб келибсан, оғайни, қандай қилиб йўқ дейман. Унутмасанг бўлгани ишқилиб...

Лутфулланинг гаплари Азизнинг у ёқ, бу ёқдан ўтиб кетди.

Лутфулла эса атай қилгандек, хахолоб қўлиб юборди. Гўёки шу қўлгуси билан Азиздан қачонлардир ололган касдини олмоқчидек эди. Азиз муштини қисди-ю яна ўзини босди. Қўз ўнгида ўғлининг салқин қовқоқлари, нурсиз боқишлари бир-бир ўтди. Тезроқ тузала қолсайди.

— Шунин билан қўй. Сенга ялчингидан қўра итга ялчингим яхши. Мен сени одам бўлиб қолган бўлса керак, деб ўйлагандим. Лекин адашган эканман. - Кейин чўнтагидан бир даста пул чиқариб, Лутфулланинг тумшуги остига келтириб қўйди. - Озгинага сиққанини сўра. Бермаган, номард! Менга сенинг хайр-эхсонинг керак эмас!

— Тур, йўқол бу ердан, - ўшқирди Лутфулла.

— Яна тилини бермайди-я.

Азиз қандай қилиб Лутфулланинг башарасига мушт қўйиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. У бурчакча учиб тушди.

Шу дам эшик очилиб, қўш-қўзини бўяган сотувчи қизнинг боши қўрнанди-да, додлаганича ташқарига югурди.

Хонани бир зумда тумонот одам босди. Қардандир миллионернинг етиб келди.

— Мени ҳам қўзимга боя қанақадир шубҳали кўрунуду бу бандит, - тиммай чийилларди сотувчи қиз.

Кимдир Лутфуллани турғизиб, ёрилган лабидан қонни артди.

Азиз астагина дорилар турган столга яқинлашди-да, бир даста пул ташлаб, пакетни олди. Лекин миллионер уни тўхтади.

— Уни сиз урдингизми?

Азиз бош силкиди.

— Негач?

Жавоб бериш ўрнига Азиз миллионерга:

— Рухсат берсангиз, аввал мана буларни касалхонага ташлаб келсам. Бир соатдан сўнг ўзим олдингизга бораман, - деди.

Миллионер диққат билан унга тикилиб турди-да, секингина:

— Фақат тезроқ қимирланг. Бир соатдан сўнг келмасангиз, ўзингизга ёмон бўлади, - деди.

Азиз ташқарига чиқди. Қоронғу тушиб қолган, енгилгина шабада эсарди. У қўлидаги пакетка қаради-да, қўлимсираб қўйди. Сўнг машинасига ўтириб, касалхонага қўнади.

Неъмат РАФИҚОВ

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲИКОЯ

Эрта баҳорда дарахт ва йирик буталар пўстлоғида жим-жимдор халқачалар пайдо бўлади. Ҳўш, бу халқачаларни ким ва нима учун эсайд?

Маълум бўлишича, бу «хўнар» билан қизилиштонларнинг айрим турлари шуғулланар экан. Улар дарахт пўстлогини чўқиб тешидиларда, ичидаги ширани ичадилар.

Лекин қизилиштонларнинг асосий мақсади ширани эмас. Улар чўққан тешиқдан чиққан ширага турли ҳашоратлар жуда ўй бўлади. Улар ширани испин билган, унга чиппа ёпишади-қолади.

Қарабсизки, қизилиштон ҳам шира ичади, ҳам ҳашоратни паққос туширади.

А.АҚБАРОВ

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳажева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда.

«Шерк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.